Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг
2016 йил 27 сентябрдаги
1512д-сонли ҳужжат билан
ТАСДИҚЛАНГАН

# ТЕКШИРУВЛАР БЎЙИЧА ЧЕК-ЛИСТ РЕГЛАМЕНТИ

**1.1. Номи**

Текширувлар бўйича чек-лист

**1.2. Хизмат кўрсатувчи бўлим**

Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) Ахборот-маслаҳат марказлари

**1.3. Ҳуқуқий асоси**

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрьдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 441-сонли Қарори ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Устави.

**1.4. Хизматдан фойдаланувчилар**

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахс ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс кўринишидаги тадбиркорлик субъектлари.

**1.5. Ижро муддати**

Мурожаат Палатага келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида кўриб чиқилади ва мурожаатчига хабар берилади.

**1.6. Аризачини хабардор қилиш**

Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) Ахборот-маслаҳат марказларининг масъул ходимлари томонидан хабардор қилинади.

**1.7. Ариза ижроси вақти**

Ариза ижроси фақатгина иш куни ва иш вақтида амалга оширилади.

**1.8. Рад қилиш асослари**

Аноним мурожаатлар;

Амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.